


XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи. Тошкент вилояти бўйича 2020 йил январь-сентябрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 625,4минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,5 % га ошганини кўриш мумкин. Ҳудудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмалиқда 3954,1минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳакига нисбатан 150,6 %), Бекобод шаҳрида 3602,6минг сўмни (137,2 %), Нурафшон шаҳрида 2890,2 минг сўмни (110,1 %) ташкил этди. Аксинча, Бекобод туманида 1591,9 минг сўмни (60,6%), Паркент туманида 1701,1 минг сўмни (64,8 %), Бўка туманида 1593,9минг сўмни (60,7 %), Оққўрғон туманида 1819,8минг сўмни (69,3 %) ташкил этиб пастлигини кўриш мумкин.

Худудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи¹
 (2020январь-сентябрь ойларида вилоятдаги ўртacha ойлик иши ҳақига нисбатан, % да)




¹ қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган


Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-сентябрь, қишилоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, минг сўм)

	<i>2019 йил январь- сентябрь</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>	<i>2019йил январь- сентябрга нисбатан % ҳисобида</i>
Вилоятбўйича:	2387,7	2 727,3	114,2
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	2558,5	3 127,9	122,3
Олмалиқ	3881,9	4 204,8	108,3
Ангрен	1939,7	2 233,4	115,1
Бекобод	2957,4	3 342,6	113,0
Чирчиқ	2268,0	2 555,2	112,7
Оҳангарон	2209,1	2 697,8	122,1
Янгийўл	1897,6	2 077,4	109,5
<i>туманлар:</i>			
Оққўрғон	1703,8	1 952,3	114,6
Оҳангарон	1977,1	2 250,1	113,8
Бекобод	1488,0	1 680,4	112,9
Бўстонлик	1980,7	2 232,9	112,7
Бўка	1651,0	1 723,0	104,4
Зангиота	2279,6	2 851,3	125,1
Қибрай	2184,7	2 649,3	121,3
Қуичирчик	1735,4	2 021,4	116,5
Паркент	1589,0	1 803,8	113,5
Пискент	1651,6	1 975,3	119,6
Ўртачирчик	1864,4	2 186,2	117,3
Чиноз	1769,8	1 907,0	107,8
Юқоричирчик	1971,9	2 281,4	115,7
Янгийўл	2146,0	2 481,7	115,6
Тошкент	1926,9	2 098,9	108,9

Худудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-сентябрь, қишилоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, минг сўм)



**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари % да
(2020 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва
кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари)**



Иш ҳақи. 2020январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуидагиларни кўрсатмоқда(2020 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм):



Таълимда 1599 та муассасада 78365 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 27,9 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 491574,7 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 22,8 %ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2090,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 146,5 %га ўсди;



Саноатда 101 та корхонада 91985 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 34,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 984821,5 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 45,6 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3568,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 135,9 %га ўсди;

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар



кўрсатишда 115 та муассасада 39626 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 14,7 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 205078,8 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 9,5 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1725,1 минг. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 147,0 %га ўсди;



Ташиб ва сақлашда 27 та корхонада 3496 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 16729,9 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,8 % ни) ташкил этган. Ташиб ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1595,1 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 129,0 %га ўсди;



Молиявий ва суғурта фаолиятида 82 та муассасада 3363 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 43589,3млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 2,0 %ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган ишҳақи 4320,5 млн.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 154,7 %га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Тошкент вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2625361,9сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 115,5 % га ўсиши кузатилди.